

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Ердан фойдаланиш устидан назорат кучайтирилади

Президентнинг 9.10.2017 йилдаги ПФ-5199-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони имзоланди.

Қайд қилинишича, Ўзбекистон фермерлари кенгаши етарли даражада фермер хўжаликларининг ҳуқуқларини ҳимоя қила олмади, фермерлик ҳаракатини ривожлантира олмади. Бундан ташқари, 480 минг гектардан ортиқ томорқа экин майдонларидан фойдаланиш даражаси самарасиз деб топилди.

Шу боис ташкилот Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши сифатида қайта тузилди. Қорақалпоғистон, вилоятлар ва туманлар фермерлар кенгашлари ҳам худди шу тарзда қайта тузилди.

Эслатиб ўтамиз, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига биноан томорқа ер участкаси — ҳам эркин сотиш, ҳам оила эҳ-

тиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек якка тартибда уй-жой қурилиши ва уй-жойга хизмат кўрсатиш учун оила аъзоларидан бирига мерос қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган тартибда ва миқдорда ажратиладиган ер участкаси.

Бир профилли фермер хўжаликларининг фойдаланилмаётган томорқа ерлари олиб қўйилади

Бу — муҳим! Ер майдонларидан самарасиз фойдаланган, қишлоқ хўжалиги экинларини тўлиқ экмаган, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига нисбатан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилинишигача бўлган қатъий жавобгарлик чоралари кўрилади. Бунинг учун 2018 йил ҳосилидан бошлаб: деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ерлари бўйича — ҳар ойда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида; фермер хўжаликларининг ерлари бўйича — ҳар

чорақда халқ депутатлари туман Кенгашларида ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлиги муҳокама қилиб борилади.

Бундан ташқари, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ДСҚ, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда 1.10.2018 йилгача барча деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказди ҳамда уларнинг ягона реестрини шакллантиради.

Қонунчилик палатаси депутатлари эса худудларда, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги шароитлари оғир бўлган туманларда, экин экиш аҳолини ҳар ойда ўрганади ҳамда аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида амалий чоралар кўради. Сенат фаолиятига ҳам қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигининг халқ депутатлари туман Кенгашларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида муҳокама қилиниши аҳолини доимий равишда ўрганиш ҳамда ҳар чорақда парламент юқори палатасининг мажлисларида кўриб чиқиш амалиёти жорий этилади.

Фермер хўжаликлари кўп тармоқли бўлиши шарт

Бу — муҳим! 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўймаган фермер хўжаликлари билан ер ижараси шартномалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилинади.

Бунда Вазирлар Маҳкамасига ҳар йили фермер хўжаликларини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантириш бўйича фермер хўжаликлари кесимида ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқишини ҳамда Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят Кенгашларида тасдиқланишини таъминлаш топирилди. Шунингдек Ҳукумат ҳудудий дастурлар асосида ишлаб чиқилган республика миқёсидаги дастурларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун Олий Мажлисининг Сенатига киритади.

Маълумот учун: кўп тармоқли деганда Фармонда қайта ишлаш, сақлаш, тайёр маҳсулотларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш тушунилади.

Ўз ер участкаларида экин экмаган ер эгаларига ер солиғи оширилади

Президентнинг 10.10.2017 йилдаги ПҚ-3318-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди (қарор матни president.uz сайтида эълон қилинган).

Ҳужжатда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг (Кенгаш) асосий вазифалари, фаолият йўналишлари ва ваколатлари баён этилган. Кенгашнинг, унинг ижро аппаратининг ҳамда ҳудудий бўлинмаларининг тузилмаси маъқулланди.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган НХҲ лойиҳалари мажбурий тартибда Кенгаш билан келишилади.

Кенгаш раиси лавозими бўйича «Агробанк» АТБ кенгаши таркибига киритилади. Минтақавий кенгашлар раислари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят ва туман ҳокимларининг фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини ривожлантириш масалалари

бўйича маслаҳатчиси ҳисобланади ҳамда мақоми бўйича уларнинг ўринбосарларига тенглаштирилади.

Бундан ташқари, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузурида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига комплекс хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилади. Уларнинг вазифалари белгиланди: консалтинг, воситачилик хизматларини кўрсатиш, кредитларни жалб қилишга кўмаклашиш, ўқув ва амалий курсларни ташкил этиш ва бошқалар.

Барча фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларида уларнинг тақлифларини инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича прогноз ҳажмларни белгилаш тартиби жорий этилмоқда.

Ҳар йили 1 февралгача экин майдонлари хатлов-

дан ўтказилади, уларда йил давомида экиладиган экин турлари ва етиштириладиган маҳсулот ҳажмларини оила эҳтиёжи ва сотиш учун мўлжалланган қисмларга ажратган ҳолда аниқланади.

Бу — муҳим! Якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмида асоссиз равишда қишлоқ хўжалиги экинлари экмаган ёки уни ободонлаштирмаган ер эгалари белгиланган ер солиғи ставкасининг уч баробар оширилган миқдорини тўлайди.

Шунингдек, деҳқон хўжалиги юритиш учун уй-жой қуриш ҳуқуқисиз берилган ер участкаларида қишлоқ хўжалиги экинлари экмаган ер эгаларининг ер участкасига бўлган ҳуқуқи бекор қилинади.

2017 йилнинг 1 ноябидан бошлаб фермер хўжаликлари томонидан Кенгашга аъзолик бадаллари тўлаш учун ҳар йили пахта жом ашёси харид нарҳини ўрнатишда 0,8% миқдордаги маблағлар назарда тутилади.

Ушбу
сонда:

3-6-БЕТЛАР

Якка тартибдаги тадбиркорларга пенсия ҳисоблаш хусусиятлари

Агар пенсионер ишласа

7-БЕТ

Пропискага доир муҳим масалалар

8-БЕТ

Тунги соатда ишлаш: табелни юритиш ва ҳақ тўлаш тартиби



Дорихоналар ижтимоий аҳамиятга эга дориларнинг муомалада бўлиши тўғрисида ҳисобот беради

Вазирлар Маҳкамасининг 18.09.2017 йилдаги 741-сон қарори билан Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Эҳтиёж тасдиқланган схема бўйича уч босқичда аниқланади:

I босқич	Даволаш-профилактика муассасасининг врачлари ушбу муассасасининг доимий фаолият кўрсатадиган комиссиясига тасдиқланган номдаги дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмларига мувофиқ белгиланган даврда беморларни таъминлаш учун зарур бўлган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари, шунингдек тиббиёт буюмларига ҳисоблаб чиқилган эҳтиёжни тақдим этади.
II босқич	Даволаш-профилактика муассасасининг доимий фаолият кўрсатадиган комиссияси режалаштириладиган йил учун даволаш-профилактика муассасаси бўйича эҳтиёжни умумлаштиради, таҳлил қилади ва йилга эҳтиёжни тасдиқлайди ҳамда уни Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг доимий фаолият кўрсатадиган комиссиясига тақдим этади.
III босқич	Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг доимий фаолият кўрсатадиган комиссияси келиб тушган йилга эҳтиёжни таҳлил қилиб, тегишли ҳудуднинг уларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжини шакллантиради ва тасдиқлайди.

Тегишли ҳудуд бўйича ҳақиқий эҳтиёж Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Доимий фаолият кўрсатадиган комиссиясига республиканинг йиллик эҳтиёжини шакллантириш учун юборилади.

Келаси йилнинг бошидан дорихоналар ҳар чорақда ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг муомалада бўлиши тўғрисидаги ҳисоботларни Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этади.

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 25.09.2017 йилдаги 38 (798)-сонида расман эълон қилинган кундан эътиборан қучга кирди.

Бозорлар ва йирик савдо объектларида жамоат тартиби сақланади

Вазирлар Маҳкамасининг 9.10.2017 йилдаги 808-сон қарори билан Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги хизматларни шартномавий-ҳуқуқий асосда амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тадбирлар бозорлар, йирик савдо, кўнгулсоз, дам олиш мажмуалари ва марказлари ҳамда фуқаролар гавжум бўладиган бошқа жойларда амалга оширилади.

Бу – муҳим! Низом оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга, шунингдек йиғилишлар, митинглар, кўча намоёнликлари ва демонстрацияларга нисбатан таъқиқ этилмайди.

Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тадбирлар шартномавий-ҳуқуқий асосда ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари (кейинги – ўрин-

ларда ППХ бўлинмалари) томонидан пулли асосда амалга оширилади.

Бу – муҳим! Тарифлар ҳали аниқланмаган. Уларни бир ой мобайнида ИИБ ва Молия вазирлиги ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Аҳоли гавжум жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлаш учун мазкур жойларда фаолият кўрсатувчи юридик шахслар ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, вилоятлар ИИБ ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ ўртасида ўрнатилган тартиб-таомил бўйича шартнома тузилади. Шартнома схемада кўрсатилган белгиланган тартиб бўйича тузилади.

Намунавий шартнома ишлаб чиқилган ва низомга илова қилинади. Унинг 8.7-бандида кўрсатилишича, объектнинг хусусиятини инобатга олиб, тарафлар шартномага қонунчиликда кўзда тутилган қўшимчаларни киритишга ҳақли.

Фуқаролар гавжум бўладиган жойларда пост ва маршрутларнинг жойлашуви, жавобгарлик ҳудуди, ППХ бўлинмаси ходимларининг хизмат олиб бориш вақти ҳамда тартиблари туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғи томонидан юридик шахс билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Тўлов тарифлари ҳали тасдиқланмагани боис, ижрочининг аниқ жавобгарлик миқдори белгиланмаган. Намунавий шартноманинг 5.2-бандига асосан Ижрочининг ходими постларда ва патруль йўналишларида асоссиз равишда бўлмаганлиги учун Ижрочи Буюртмачига бир кунлик қўриқлаш хизмати нархининг 10% миқдориди жарима тўлайди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинди ва 11.10.2017 йилда қучга кирди.

Туристтик йиғим – ЭКИХнинг 10 фоизи

Вазирлар Маҳкамасининг 9.10.2017 йилдаги 810-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристик (меҳмонхона) йиғимни ундириш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритилди. Бу ҳақда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси матбуот хизмати хабар қилади.

Тузатишларга кўра 9.10.2017 йилдан бошлаб туристик йиғим жойлаштириш жойлари томонидан чет эл фуқароларидан ва Ўзбекистонда доимий яшаш жойига эга бўлмаган, фуқаролиги бўлмаган шахслардан яшалган ҳар кун учун ЭКИХнинг 10% миқдориди (бугунги кунда ушбу сумма 14 977,50 сўмни ташкил

этомқда) ундирилади. Тўлиқ бўлмаган яшалган кун учун туристик (меҳмонхона) йиғими тўлиқ кун ҳисобида ундирилади.

Эслатиб ўтамиз, илгари туристик йиғим ҳар бир чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс учун 2 АҚШ доллари эквивалентини ташкил этиб,



жорий йилнинг бошидан жойлаштириш хизматларига ҳақ тўлаш валютасида тўланар эди.

«Norma Online» экспертлари Олег Заманов, Самир Латипов, адвокат Зумрад Ниязметова тайёрлаган.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 17 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божгона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	6344,67	1 Польша злотийси	2240,17
1 Англия фунт	10710,11	1 СДР	11399,94
1 БАА дирҳами	2194,06	1 Туркия лираси	2213,10
1 АҚШ доллари	8058,77	1 Швейцария франки	8261,17
1 Миср фунти	457,24	1 ЕВРО	9515,80
1 Канада доллари	6455,80	10 Жанубий Корея вон	7,16
1 Хитой юани	1225,48	10 Япония иенаси	72,00
1 Малайзия ринггити	1911,02	1 Россия рубли	140,84
		1 Украина гривнаси	303,99

*) Валюта қийматини белгиланган ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаса.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	16.10.2017	1	1,7003	1	2,0080	1	0,0297
Арманистон	13.10.2017	1	480,99	1	568,91	1	8,34
Беларусь	16.10.2017	1	1,9633	1	2,3221	100	3,4098
Грузия	16.10.2017	1	2,4808	1	2,9326	100	4,3011
Қозғоғистон	16.10.2017	1	334,21	1	395,27	1	5,79
Қирғизистон	17.10.2017	1	68,5135	1	80,7740	1	1,2002
Молдова	16.10.2017	1	17,4377	1	20,6227	1	0,3023
Россия	17.10.2017	1	57,0861	1	67,2988	—	—
Тожикистон	16.10.2017	1	8,7934	1	10,3859	1	0,1499
Туркменистон	17.10.2017	1	3,5000	1	4,1248	100	6,1157
Украина	13.10.2017	100	2 663,4659	100	3 157,8052	10	4,6171

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

— Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
— Валюталар, курси

1-2-бетлар

• ПЕНСИЯ ИШИ

— Эътибор бердилар
— Иш берувчининг ташаббусига кўра
— Фақат доимий яшовчилар учун

— Асосий шарт
— Кимга тўлайлик?
— Рўйхатда қўйд этилиши лозим
— Иш ҳақи учун чегара
— Тадбиркорга бадаллар ҳақида
— Навбат асосида
— Билишни истайман
— Қарорни қутиб

— Ярим йил ҳам ўтмайди
— Йўлқира – текин
— Пенсиясиз ишга чиққанда

3-6-бетлар

• ФАРМОН ВА ИЖРО

— 22 нафар шахсга фуқаролик паспорти берилди
• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ
— Танлашда эркиндирлар

— Фақат Ўзбекистон фуқаролари учун
— Суднинг ҳар қилув қарорига кўра

7-бет

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

— Муддати ўтган бўлса
— Аввал қисқаришга тушди, кейин ҳомиладорлиги маълум бўлди
— Сменали график бўйича

8-бет

Таҳририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Пенсияни расмийлаштириш чоғида тўқнаш келадиган муаммолари билан ўртоқлашадиган тадбиркорлардан газетамиз тахририятига қўллаб хатлар келади. Уларнинг айримларига доир Пенсия жамғармаси мутахассисининг тушунтиришлари ушбу соннинг асосий мавзуси бўлди.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газетамизнинг gazeta@norma.uz ва ntv@norma.uz электрон манзилларига йўлланг.

Норматив лойиҳалар

Эътибор бердилар

ҚХТБТ порталида Президентнинг Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларга доир фармони лойиҳаси муҳокама қилинди.

«Ногирон» атамаси ўрнига «ногиронлиги бўлган шахс» атамасидан фойдаланиш таклиф қилинаёттир. Мамлакатимиз томонидан БМТнинг ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси (инг. *Convention on the Rights of Persons with Disabilities*) ратификация қилинишининг зарурлиги қайд этилди. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун асо-



сида эса «Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонун ишлаб чиқилади.

БУГУНГИ СОНДА:

**ИШ
БЕРУВЧИНING
ТАШАББУСИГА
ҚЎРА**

Асос – қонуний,
вазият – ҳаётий

**ИШ ҲАҚИ УЧУН
ЧЕГАРА**

Катта
маош юқори
миқдордаги
пенсияга
кафолат
бўлмайди

ҚАРОРНИ КУТИБ

Бир
муружаатнинг уч
босқичи

**ПЕНСИОНЕР
ИШГА ЧИҚҚАНДА**

Билиб қўйган
яхши

Маълумот учун!

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, охириги **10** йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет **5** йилдаги (пенсия сўраб муружаат этган кишининг танлови бўйича) **ИШ ҲАҚИ** олинади.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ахборот кўмағида тайёрланди.

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

3 декабрь кунини мамлакатимизда Ногиронлиги бўлган шахслар куни деб эълон қилиш таклиф қилинди. Шунингдек, Ҳукумат Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этишни мақсад қилган. Бундан ташқари, тахминан келгуси йилда қўшимча равишда қатор чора-тадбирлар қабул қилинади:

➤ ногиронликни тайинлаш масаласи бўйича ҳамкорликнинг электрон тартиби жорий этилади (1 январдан). Натижада ЯИДХП орқали электрон шаклда мурожаат қилиш ва ҳужжатларни тақдим этиш мумкин бўлади;

➤ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ягона электрон реестри жорий этилади, у ушбу шахслар, тайинланган пул тўловлари миқдори ва турлари, берилган реабилитациянинг техник воситалари ва протез-ортопедик буюмлар, дори-дармонлар, тақдим этилган ижтимоий хизматлар ва имтиёзлар тўғрисида комплекс ахборотни ўз ичига олади (1 мартдан). Бу ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати тўғрисида тезкор ахборот олиш, давлат органлари ўртасида маълумотлар алмашишни амалга ошириш, бюджет маблағларини мақсадга номувофиқ сарфлаш ва суиистеъмолчилик фактларини олдини олиш имконини беради;

➤ ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштирилмаган йўловчи транспортини харид қилиш тақиқланади (1 январдан). Шунингдек, улар учун мослаштирилган, шу жумладан қайта жиҳозлаш имконияти билан автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш бошланади;

➤ ногиронлик бериш ва ногиронлик бўйича пенсия тўлаш тартиби мезонлари қайта кўриб чиқилади (1 фев-

ралгача). Бу йўналишда халқаро стандартларга ўтиш амалга оширилиши керак;

➤ олий таълим муассасаларида ногиронлиги бўлган шахслар имтиёзли шартларда ўқишга кириши учун квоталар жорий қилинади. Уларнинг ўқишга кириши ва контракт пулини тўлаши тартиби такомиллаштирилади (1 мартгача).

Лойиҳа Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ўз ичига олади. У 4 та асосий йўналиш бўйича 66 та чора-тадбирни амалга оширишни кўзда тутди:

I – ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш;

II – ногиронликни профилактика қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам ва ижтимоий реабилитациянинг самарадорлигини ошириш;

III – ногиронлиги бўлган болаларни тарбиялаш, уларни талаб бўлган касбларга ўқитиш тартибини такомиллаштириш, ногиронлиги бўлган шахсларни махсус касбий тайёрлаш ва янги касбларга қайта тайёрлаш, шунингдек уларни ишга жойлаштиришга ёрдам бериш;

IV – тиббий-ижтимоий муассасаларни моддий-техник жиҳозлашни яхшилаш, ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши имконияти бўлган ва қулай муҳитни таъминлаш.

Муҳомадан сўнг лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Олег Заманов, «Norma Online» эксперти.

Расмий жавоб

Иш берувчининг ташаббусига кўра

? Аёл 55 ёшга тўлди. Ҳали пенсияни расмийлаштирмади, сабаби 13 яшар фарзандини бир ўзи тарбияламоқда. У ишлайдиган ташкилот маъмурияти пенсия ёшига етганлиги муносабати билан ишдан бўшатилиши тўғрисида билдиришнома тақдим этди. Уни бўшатишга ҳақлимилар? Ёлғиз онани ишдан бўшатиш учун пенсия ёшига етганлиги асос бўла оладими?

Маркина. Тошкент ш.

– Меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби Меҳнат кодекси талабларига қатъий мувофиқликда амалга оширилиши керак.

МКнинг 100-моддасида меҳнат шартномасини иш берувчининг та-

шаббуси билан бекор қилиш учун асос бўлувчи ҳолатлар белгиланган. Хусусан, ушбу модданинг 2-қисми 7-бандига мувофиқ, **ҳодимнинг пенсия ёшига** (аёллар учун – 55 ёш) **тўлганлиги, қонун ҳужжатларига**

мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосли эканлиги билдиради.

Фақат доимий яшовчилар учун

? Амаким – пенсионер. У Ўзбекистонга келди, шу ерда доимий яшаб қолмоқчи. Ҳозирча бизникида вақтинча пропискадан ўтган. Унга пенсия тўлайдиларми?

Ўткир Х. Янгийўл ш.

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

– Йўқ, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон фуқаролари билан тенг равишда пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси 3-қисми).

Чунончи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар фуқароларининг пенсия таъминоти

соҳасидаги ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги битимнинг (Москва, 13.03.1992 йил) 1-моддасига мувофиқ, ушбу Битимга аъзо давлатларнинг фуқаролари ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти улар ҳудудида яшаётган давлат қонунчилиги бўйича амалга оширилади.

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги

252-сон қарорига 1-илова) 167-бандига мувофиқ, Ўзбекистонда доимий яшайдиган хорижий фуқарога ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга пенсия яшаш ҳужжати амал қиладиган мuddат давомида тўланади.

Юқоридагилардан келиб чиқилса, амакинги барча зарур ҳужжатларни (яшаш гувоҳномаси, прописка) расмийлаштириб, доимий яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қилиши лозим.

Асосий шарт

? Пенсияга ҳужжатларни расмийлаштиришда ходимнинг РФдаги иш стажидан фойдаланиш керакми?

– Чет элда ишланган даврлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган сугурта бадаллари тўланган тақдирда меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади (Қонуннинг 40-моддаси 1-қисми).

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёлланма (битим) асосда чет элда ишлаган даври ГЎЖга сугурта бадаллари тўланиши шарти билан

меҳнат дафтарчаларига киритилган ёзувларга қараб аниқланади.

Давлат пенсияларини тайинлашда иш стажини ҳисоблаб чиқариш учун ҳам худди шундай тартиб назарда тутилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар фуқароларининг пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги битимнинг 6-моддасига мувофиқ,

Л.Замирова, КБ инспектори.

Битимга аъзо давлатлар фуқароларининг пенсияга, шу жумладан имтиёзли асослардаги ва кўп йил ишлаганлиги учун пенсияларга бўлган ҳуқуқини белгилаш учун мазкур Битим кучга киргунга қадар, яъни 1992 йил 13 мартга бўлган вақт учун ушбу давлатлардан исталганининг ҳудудидаги, шунингдек собиқ Иттифок ҳудудидаги меҳнат стажига ҳисобга олинади.

Кимга тўлайлик?

? Пенсия счётимизга пул маблағларини ўтказиш хусусида кимга мурожаат қилишимиз керак?

Л.Р.

– Мурожаатда айти қандай пенсия счётига маблағларни ўтказиш режалаштирилаётганлиги аниқлаштирилмаган. Бугунги кунда давлат пенсия таъминоти соҳасида ҳар бир жисмоний шахсга алоҳида шахсий пенсия счётлари мавжуд эмас.

Бунда акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан очилган шахсий жамғариб бориладиган пенсия счётлари мавжуд. Агар айти шу счётлар ҳақида сўз бораётган бўлса, яшаш жойингиздаги Халқ банки филиалига мурожаат қилишингиз зарур.

Рўйхатда қайд этилиши лозим

? Бувим пенсия олиш учун боришга қийналмоқда. Пенсиясини уйига олиб келишлари учун қаерга мурожаат қилиш керак?

Муяссар Ф. Тошкент ш.

– Президентнинг «Пенсиялар ва нафақалар тўлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида

(13.03.2017 йилдаги ПҚ-2826-сон) белгиланганидек, мустақил ҳаракатланиш ҳамда уларни махсус кассалардан олиш имкониятига эга

бўлмаган шахсларга пенсиялар ва нафақалар Халқ банки томонидан бевосита улар яшайдиган жойга етказиб берилади.

Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими ҳамда Халқ банки филиали билан

биргаликда пенсия ёки нафақалари уйларига етказиб берилиши керак бўлган фуқароларнинг рўйхатларини мунтазам янгиллаб турадилар.

Тегишинча, сиз яшаш жойингиздаги маҳалла кўмитасига мурожаат қилишингиз лозим.

Иш ҳақи учун чегара



Пенсияга чиқишдан олдин иш ҳақим танишимникидан анча катта эди. Стажимиз бир хил. Пенсиямни деярли унинг пенсияси миқдоридан ҳисоблаб бердилар. Изоҳ беришларича, иш ҳақининг катталиги пенсия ошишига таъсир кўрсатмас экан. Шу тўғрими?

– Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан ортиқ бўлмаган миқдордаги ўртача ойлик иш ҳақи ($149\,775 \times 8 = 1\,198\,200$ сўм) олинади (Қонуннинг 31-моддаси 6-қисми).

Тегишинча, ўртача ойлик иш ҳақи ушбу суммадан ошган ҳолларда пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун фақат 8 ЭКИХ олинади.

Сўнгра ушбу суммадан пенсиянинг таянч миқдори ва талаб этиладиганидан ортиқча иш стажини учун унинг оширилиши ҳисоблаб чиқарилади.

Ёшга доир пенсиянинг таянч миқдори уни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55%, лекин расмий белгиланган ёшга доир энг кам пенсиянинг камида

100%и миқдорини (292 940 сўм) ташкил этади (Қонуннинг 26-моддаси).

Пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ёшга доир пенсияларнинг таянч миқдорлари пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1%и миқдоридан оширилади (Қонуннинг 27-моддаси).

А.И.Омелин. Тошкент ш.

Зафаржон Хўжаев,

ЎЗР МВ ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи.

Мутахассис тушунтиради

Тадбиркорга – бадаллар ҳақида

Республикаимизда тадбиркорлик фаолияти анчадан буён кенг ривож топган. Барча ишловчи фуқаролар қатори тадбиркорлар ҳам, башарти Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаган бўлсалар, пенсия таъминотига ҳақли бўладилар. Пенсияни расмийлаштириш чоғида тўқнаш келадиган муаммолари билан ўртоқлашадиган тадбиркорлардан газетамиз таҳририятига хатлар келиб туради. ЎЗР МВ ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи Зафаржон Хўжаев уларнинг айримларини шарҳлаб, тушунтиришлар беради.



Мен узок вақт якка тартибдаги тадбиркор сифатида ишлаб, Пенсия жамғармасига 1 ЭКИХдан бадаллар тўлаганман. Бироқ пенсияга чиққанимда мен тўлаган бадаллар пенсиям миқдорига таъсир кўрсатмаганининг гувоҳи бўлдим. Нега бундай? Айтайлик, 1 млн сўм иш ҳақи оладиган ўқитувчи 80 минг сўм сугурта бадаллари тўлайди, бу мен тўлаганимдан деярли 2 барабар кам. Бироқ ўқитувчининг пенсияси 1 млн сўмдан ҳисоблаб чиқарилади ва унинг пенсияси меникидан анча катта бўлади. Шу хусусда тушунтириш беришингизни сўрайман, бу нотўғри деган фикрдаман.

А.Е.

– Солиқ кодексининг 305 ва 306-моддаларига мувофиқ, меҳнат шартномаси ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома бўйича ишловчиларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларидан ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланади.

Ягона ижтимоий тўловни тўловчилар қуйидагилардир:

- юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари;

- Ўзбекистонда фаолиятни доимий муассаса, чет эллик юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари орқали амалга оширувчи норезидентлар.

Маевзевий сонни мухбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек шу ерда доимий равишда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини тўловчилардир.

Сугурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти, шунингдек улар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши учун жавобгарлик иш берувчи зиммасига юклатилади, сугурта бадалларини Солиқ кодексининг 311-моддасида назарда тутилган тартибга мувофиқ тўловчи айрим тоифадаги жисмоний шахслар бундан мустасно.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ЯИТ ва сугурта бадаллари солиш объекти ҳисобланади (Солиқ кодексининг 172-моддаси).

Юқорида баён этилганидан кўринганидек, ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан Пенсия жамғармасига 15% (кичик корхоналар, микрофирмалар ва фермер хўжаликлари учун) ва 25% миқдорида (қолган хўжалик юритувчи субъектлар ва бюджет ташкилотлари учун) ягона ижтимоий тўлов, шунингдек фуқароларнинг сугурта бадаллари (2008 йилдан бошлаб ставка мунтазам ошган – 2017 йилда 8%гача) тўланади.

Тегшинча, меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида 1 млн сўм даромад олувчи таълим соҳаси ходими (ўқитувчи) бўйича Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадаллари кўринишида камида 330 минг сўмлик сумма тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларида якка тартибдаги тадбиркор даромадини ҳисоблашнинг худди шундай тартиби назарда тутилган эди.

2015 йилгача тадбиркорнинг пенсиясини ҳисоблаб чиқиш учун олинadиган даромад Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш ва уларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар ажратиши тартибининг (ВМнинг 24.08.2001 йилдаги 351-сон қарорига 1-илова, ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарорига мувофиқ ҳозирда ўз кучини йўқотган) 27-бандига мувофиқ ҳисобланар эди.

Пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинadиган аниқ бир ой учун даромад тўланган ойлик сугурта бадали суммасини **иш берувчилар ва ходимлар учун сугурта бадаллари ажратишнинг** қонун ҳужжатларида белгиланган **жами фозига** бўлиш ва олинган натижани 100 га кўпайтириш йўли билан аниқланар эди.

Президентнинг 4.12.2014 йилдаги ПҚ-2270-сон қарори билан 2015 йил учун қуйидаги ставкалар тасдиқланган эди:

➢ ягона ижтимоий тўлов – 25% (ПҚ-2270-сон қарорга 25-илова);

➢ фуқароларнинг сугурта бадаллари – 7% (ПҚ-2270-сон қарорнинг 3-банди).

Тадбиркорнинг даромадини ҳисоблаш учун ЯИТ ва сугурта бадаллари жами ставкаси 32%ни (25 + 7) ташкил этарди.

Якка тартибдаги тадбиркор фақат 1 ой учун 130 240 сўм миқдорида (ўша пайтда амалда бўлган ЭКИХ) сугурта бадалларини тўлаганда унинг ушбу ойдаги даромади 407 000 сўми (130 240 x 100 / 32) ташкил этарди.

Бунда Солиқ кодексининг 311-моддаси 1-қисмида назарда тутилганидек, якка тартибдаги тадбиркорлар ойига **1 ЭКИХдан кам бўлмаган** миқдорда сугурта бадаллари тўлайдилар. Тегшинча, улар **1 ЭКИХдан ошадиган** ставкада ҳам сугурта бадалларини тўлаш ҳуқуқига эга.

Чунончи, якка тартибдаги тадбиркор фақат 1 ой учун 390 720 сўм (130 240 x 3) сугурта бадалларини тўлаганда эди, унинг шу ойдаги даромади миқдори 1 221 000 сўмини (390 720 x 100 / 32) ташкил этган бўларди.

Вазирлар Маҳкамасининг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарори билан Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинadиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган. Ушбу Низом билан тадбиркорнинг даромадини ҳисоблаш тартиби ўзгартирилган.

Энди пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинadиган аниқ бир ой (йил) учун якка тартибдаги тадбиркорнинг (чет элда ёлланган қолда ишловчи шахснинг, солиқ агенти ҳисобланмайдиган иш берувчидан даромад олувчи ходимнинг ва деҳқон ҳақлиги аъзосининг) даромади Пенсия жамғармасига тўланган ойлик (йиллик) сугурта бадали суммасини ПЖга сугурта бадалларини тўлаш даврида амалда бўлган **ягона ижтимоий тўлов (микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер хўжаликлари учун) ва сугурта бадалларининг умумий ставкасига** бўлиш ҳамда олинган натижани 100 га кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Президентнинг 22.12.2015 йилдаги ПҚ-2455-сон қарори билан 2016 йил учун қуйидаги ставкалар тасдиқланган:

➢ микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер хўжаликлари учун ЯИТ – 15% (ПҚ-2455-сон қарорга 25-илова);

➢ фуқароларнинг сугурта бадаллари – 7,5% (ПҚ-2455-сон қарорнинг 3-банди).

Тадбиркорнинг даромадини ҳисоблаш учун ЯИТ (микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер хўжаликлари учун) ва сугурта бадаллари жами ставкаси 22,5%ни (15 + 7,5) ташкил этади.

Якка тартибдаги тадбиркор фақат 1 ой учун 149 775 сўм (1 ЭКИХ) миқдорида сугурта бадаллари тўлаганда унинг шу ойдаги даромади 665 666,67 сўми (149 775 x 100 / 22,5) ташкил этади.

Якка тартибдаги тадбиркор ойига 299 550 сўм (149 775 x 2) сугурта бадаллари тўлаган тақдирда унинг шу ойдаги даромади миқдори 1 331 333,33 сўми (299 550 x 100 / 22,5) ташкил этган бўлар эди.



Якка тартибдаги тадбиркор сугурта бадалларини тўлаши чоғида бериладиган имтиёз мавжудми?

Т.М.

— Ҳа, имтиёз мавжуд. Чунончи, якка тартибдаги тадбиркор ёки унинг ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган, шунингдек I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлари учун сугурта бадалининг миқдори унинг белгиланган энг кам миқдорининг камида 50%ини ташкил этиши керак (Солиқ кодексининг 311-моддаси 3-қисми).

Бунда юридик шахсларда ва бюджет ташкилотларида меҳнат шартномаси бўйича ишловчи I ва II гуруҳ ногиронларига нисбатан худди шундай имтиёз назарда тутилмаган, яъни сугурта бадаллари ва ЯИТ тўлиқ миқдорда тўланади.



Мен пенсионерман. Бироқ якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаман. Вақтинча ишимни тўхтатдим. Пенсия жамғармаси ишловчи пенсионер сифатида менга пенсиямнинг ярмини тўлашда давом этмоқда. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг қарори тўғрими? Ахир ҳеч қандай даромад олмадим ва сугурта бадалларини тўламадим, фақатгина вақтинча ишимни тўхтатдим.

А.Мавлонов.

— Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятининг вақтинчалик тўхтатган бўлсангиз, бу ҳақда солиқ инспекциясини белгиланган тартибда хабардор қилишингиз керак эди. Солиқ органи ушбу ахборотга эга бўлса, бу даврда сизга ишламайдиган пенсионер деб қаралади ва, тегишинча, пенсияни тўлиқ оласиз. Ҳақиқатан ҳам, якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини тўхтатган

даврда қатъий белгиланган солиқ ва сугурта бадалларини тўламайди.

Шу сабабли яшаш жойингиздаги Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қилишингиз ва якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятининг вақтинчалик тўхтатганингиз тўғрисидаги солиқ инспекцияси берган маълумотномани тақдим этишингиз зарур.

Бизга мактуб йўллабсиз

Навбат асосида



Эшитишимча, пенсионерлар санаторийларга бепул йўлланмалар олишлари мумкин экан. Шу тўғрими?

К.Мавлонов. Тошкент ш.

— Ҳа, пенсионерлар бепул санаторий-курорт йўлланмаларини олиш ҳуқуқига эга (АВ томонидан 27.04.2012 йилда 2356-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома).

Йўлланмалардан фойдаланувчи ногиронлар ва кексалар тоифасига қуйидаги шахслар киради:

➢ уруш ногиронларига ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар;

➢ ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг бева хотинлари (бева эрлари);

➢ республика аҳамиятига молик шахсий пенсия олувчи шахслар;

➢ Чернобыль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган

ва уни бошидан кечирган шахслар, шунингдек Чернобыль ҳалокати сабабли ногирон бўлиб қолган шахслар;

➢ ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган шахслар;

➢ I ва II гуруҳ ногиронлари, кўзи ожиз I гуруҳ ногиронини кузатиб боровчи шахс;

➢ ёлғиз кексалар;

➢ ёшга доир пенсионерлар.

Йўлланмаларни муайян даврийлик билан берилади. Чунончи, уруш ногиронларига тенглаштирилган шахслар, республика аҳамиятига молик шахсий пенсия олувчи шахслар, Чернобыль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва

уни бошидан кечирган, шунингдек ногирон бўлиб қолган шахслар, ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган шахслар, ёлғиз кексалар уларни ҳар йили (навбат асосида) оладилар.

Уруш қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг бева хотинлари (бева эрлари), I ва II гуруҳ ногиронлари, кўзи ожиз I гуруҳ ногиронини кузатиб боровчи шахслар 2 йилда бир маротаба (навбат асосида) бепул дам олишлари мумкин.

Санаторийларда бўш ўрин мавжуд бўлган тақдирда, навбат асосида, аммо 3 йилда 1 маротаба ёшга доир пенсионерлар.

Билишни истайман

? ШЖБПХдаги пенсия жамғармаларим ҳақида маълумотларни олишим мумкинми?

Ц.Ж.

– Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ҳар бир иштирокчиси йилда 1 марта исталган пайтда ўз талаби бўйича Халқ банкининг филиалида ўзининг ШЖБПХда сақланаётган маблағлар тўғрисида бепул ахборот олиши мумкин. Шунингдек ходим талаби бўйича исталган пайтда иш берувчи шахсий ҳисоб юритиш учун Халқ банки

филиалига тақдим этган маълумотлар нусхасини ундан олиши мумкин.

Олинган маълумотларга қўшилмаган тақдирда – уларга тузатиш киритиш тўғрисидаги ариза билан иш берувчига, Халқ банкига ёхуд судга мурожаат қилишга ҳақли (*Низомнинг 25-банди, ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарорига 2-илова*).

Қарорни кутиб

? Нафақа олиш учун ҳужжатларни топширгандим. Ўшандан буён анча вақт ўтди. Болали оиланинг нафақа олиш учун аризаси қанча вақт ичида кўриб чиқилиши керак?

Камола М.

– Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги ариза 3 босқичда кўриб чиқилади (*Низомнинг 17-банди, ВМнинг 15.02.2013 йилдаги 44-сон қарорига 1-илова*).

Авалл махсус комиссия ариза берилган санадан бошлаб 3 кун муддатда у томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилган маълумотлар асосида оиланинг аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад миқдорини аниқлайди. Агар даромад ўртача ойлик ЭКИХнинг 1,5 бараваридан кам бўлса (*Низомнинг 8-банди*), оиланинг моддий ва мулкӣ ҳолатини текшириш санаси белгиланади.

Комиссия ариза берилган санадан бошлаб 10 кун муддатда оиланинг моддий ва мулкӣ ҳолатини ўрганиб чиқади. Шундан кейин тегишли нафақа ёки моддий ёр-

дамни тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисидаги хулоса чиқаради.

Учинчи босқичда ариза берилган ойнинг охириги кундан кечикмай, махсус комиссиянинг хулосаси инобатга олинган ҳолда, ариза якуний қарор чиқариш учун фуқаролар йиғини ёки комиссия томонидан кўриб чиқилади.



Ярим йил ҳам ўтмайди

? Ҳозир пенсияни маҳалла қўмитасидан нақд пулда олаяпман. Ҳаммасини пластик карточкага ўтказмоқчиман. Айтишларича, уни олганимни тасдиқлаш учун ҳар гал Пенсия жамғармасига боришим керак бўлар эмиш. Шу тўғрими?

Е.Никонина.

– Пенсия тўловларини банк пластик карточкаси ёки жисмоний шахсларнинг омонат ҳисобварағи орқали олиш учун сиз ҳар ойда Пенсия жамғармасига келишингиз шарт эмас. **Пенсионер ҳар 6 ойда ПЖ бўлимига келиш йўли билан ўзининг пенсия суммасини олиш ҳуқуқини тасдиқлаши зарур.**

Шахс белгиланган муддатда келмаган тақдирда, бўлим ходимлари 10 кун ичида пенсионер:

- тирик эканлиги;
- ишга жойлашганлиги;

➢ яшаш жойи ўзгарганлиги ёки республикадан ташқарига чиқиб кетганлиги;

➢ жазони ижро этиш муассасасида эканлиги;

➢ кексалар ва ногиронларнинг интернат уйларида (пансионатларида) яшаётганлиги ҳолатларини аниқлаш учун пенсионер яшайдиган жойга боради.

Шахснинг олинadиган пенсияга ҳуқуқлари тасдиқлангандан сўнг, тўлов навбатдаги 6 ойга давом эттирилади. Акс ҳолда пенсия тўлаш тўхтатиб турилади (*АВ томонидан 5.03.2015 йилда 2657-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 22-банди*).

Йўлкари – текин



Бувам Чернобыль қатнашчиси, ногирон. У доим транспортда йўл ҳақини тўлайди. Чернобыль ҳалокати оқибатларини тугатиш иштирокчилари учун имтиёз назарда тутилмаган эдимиз?

Анвар Э. Ангрен ш.

– Чернобыль АЭС ҳалокати оқибатида зиён кўрган Ўзбекистонда истиқомат қилувчи фуқаролар учун турли имтиёзлар мавжуд, албатта. Улар тиббий хизмат кўрсатиш, турли компенсация тўловлари, уй-жой билан таъминлаш ва бошқаларга тааллуқли. Улар сирасига **ҳамма турдаги шаҳар йўловчи ташиш транспортларида** (таксидан ташқари), ўзи яшаб турган маъмурий туман доирасидаги қишлоқ жойлардаги умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортда **бепул юриш ҳам** киради. Шунингдек, шаҳар

атрофида қатнайдиغان темир йўл транспортда, шаҳардан ташқаридаги маршрутларда қатнайдиغان автобусларда бепул юриш ҳуқуқи берилган. Йилига 1 марта (бориш ва келиш) темир йўлда бепул юриш, темир йўли бўлмаган туманларда эса ҳаво, сув ёки шаҳарлараро автомобиль транспортларида биринчи навбатда чипталар сотиб олиш ҳуқуқи билан юриш каби имтиёз тақдим этилган (*Олий Кенгаш Раёсати ва ВМнинг 6.04.1992 йилдаги 170-сон қарори билан тасдиқланган Рўйхат*).

Буни билган маъқул

Пенсионер ишга чиққанда

➤ Ташкилотларда ишловчи пенсионерларга **пенсиялар иш жойидан**, ўтган ой учун ойлик иш ҳақининг иккинчи қисми тўловлари билан бир вақтда **амалга оширилади**. Пенсиялар алоҳида ведомостлар орқали бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

➤ Ўриндошлик асосида ишловчи пенсионерларга пенсия **асосий** иш жойидан тўланади.

➤ Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини ўзига олувчи шахсларга пенсия иш жойидан **50% миқдорида** амалга оширилади (пенсияларини тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқига эга пенсионерлардан ташқари).

➤ Бошқа оила аъзоларига (васийликка олинганларга) боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи васийларга пенсиялар, **уларнинг яшаш жойидан тўлиқ миқдорда** тўланади.

➤ Яқка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчи ҳамда деҳқон хўжаликларида ишловчиларга пенсиялар **уларнинг яшаш жойидаги** Пенсия жамғармасининг бўлимлари томонидан **50% миқдорида** тўланади (пенсияларини тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқига эга пенсионерлардан ташқари).

➤ Пенсия тўловининг иш жойи орқали амалга оширилиши учун **Ф-25 топшириқномаси** асос бўлиб ҳисобланади. У пенсионернинг яшаш жойидаги Пенсия жамғармасининг бўлимлари томонидан берилади.

➤ Қайта ҳисоблаш натижасида пенсия миқдори ўзгарганда, Пенсия жамғармасининг бўлими топшириқномага янги пенсия миқдори бўйича белги қиратади.

➤ Пенсионер билан меҳнат шартномасини ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномасини бекор қилишда ташкилот пенсия тўловини тўхтатади. Пенсионер қайтадан ишга қабул қилинганда янги топшириқнома тақдим қилинади.

➤ Меҳнат шартномаси бекор қилинганда яшаш жойидаги Пенсия жамғармасининг бўлимига ишдан бўшаганлик тўғрисидаги буйруқ тартиб рақами ва санасини (фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бекор бўлишининг сабабини) кўрсатган ҳолда топшириқномага хабарнома ҳамда буйруқ кўчирмаси (фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг нусхаси) тақдим этилади. Бу ҳужжатлар пенсионер ишига тикилади.

➤ Ишловчи пенсионерларга пенсия тўловининг ўз вақтида ва тўғри амалга оширилиши ҳамда пенсионернинг ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнинг Пенсия жамғармаси бўлимига ўз вақтида ва ишонарли тақдим этилиши бўйича жавобгарлик қонунчиликда ўрнатилган тартибда ташкилот раҳбарлари зиммасига юкланади.

➤ Маъмурият ва ишловчи пенсионер ўртасидаги пенсия тўловлари билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш ижтимоий суғурта комиссияси томонидан амалга оширилади.

Маъзувий сонни мухбиримиз Алла Ромашко олиб боради.



ФАРМОН ВА ИЖРО

Сирдарё вилоятида бир гуруҳ шахсларга фуқаролик паспорти топширилди.

22 нафар шахсга фуқаролик паспорти берилди

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, шахсий манфаатлари қонун билан кафолатлаб қўйилгани, ҳар бир фуқарога бериладиган паспорт Ўзбекистон Республикасининг мулки бўлиб, унинг эгаси давлат муҳофазасида экани алоҳида таъкидланди.



Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкый ҳолати, ирқи, миллати, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати ҳамда сиёсий ва бошқа эътиқодидан қатъи назар, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонун қучга кирган вақтда турли объектив ва бошқа ҳаётий шароитларга кўра мамлакат ташқарисиди бўлган маҳаллий аҳоли, шунингдек, бошқа мамлакатларда туғилиб-ўсиб, Ўзбекистонни ўз Ватани сифатида чин дилдан тан олган, унинг тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшган шахслар қабул қилиниши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг Фармони билан Сирдарё вилоятида 22 нафар юрдошимиз Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш бахтига муяссар бўлди. Улар орасида Шаҳнур Йўлдошев ҳам бор.

– Мен 1992 йили Қозоғистон Республикасида туғилганман, миллатим тожик, айни пайтда «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамаиати вилоят бўлимида инспектор бўлиб ишлайман, – дейди Ш.Йўлдошев. – Бугун Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспортини қўлга олганимдан жуда бахтиёрман.

– 1980 йили Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятида туғилганман, – дейди Янгиер шаҳрида истиқомат қилувчи Сирождидин Халилов. – Ховос туманидаги «Ховос олтин бургут» фермер ҳўжалигида меҳнат қиламан. Бугун энг катта орзумга ушладим. Шундай бахтга етказганига шукр. Менга ҳам ишонч билдириб, мустақил Ўзбекистон давлатининг фуқароси бўлиш бахтига муяссар этган Президентимиздан миннатдорман.

ЎЗА.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Танлашда эркилдирлар

Биз қизим билан Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида доимий пропискадан ўтганмиз. Иккимиз ҳам шу ерда туғилганмиз, ҳеч қачон Тошкентдан чиқиб кетмаганмиз ва пропискадан чиқмаганмиз. Қизим 2017 йил 17 июлда қонуний никоҳдан ўтди. Унинг турмуш ўртоғи ҳам Тошкентда туғилиб катта бўлган, Сергели туманидаги ота-онаси пропискадан ўтган жойда пропискадан ўтган, ҳеч қаерга чиқиб кетмаган ва пропискадан чиқмаган. Ҳаммининг розилиги билан болалар Учтепа туманидаги мен билан қизимнинг квартирасида яшамокдалар. Ҳеч биримиз болаларнинг битта манзилда пропискадан ўтишини талаб қилмаяпмиз. Ҳаммамиз бир шаҳар ичида яшаймиз. Бироқ 2017 йил 31 августда бизнинг маҳалла кўмитаси вакиллари келиб, қизимдан никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, никоҳдан ўтганлиги ҳақида белги қўйилган паспорт нусхасини талаб қилдилар. Бундан ташқари, улар никоҳдан ўтгандан кейин 3 ой ичида (амалдаги қонунчиликка кўра) қизим квартирамиздаги пропискадан чиқиб, турмуш ўртоғининг яшаш жойида пропискадан ўтиши кераклигини айтдилар. Бунинг устига, аксинча эмас, айни хотини эриникига ўтиши шартлигини қайд этдилар. Агар у мазкур талабни бузса, жарима тўлашга тўғри келар эмиш. Ушбу талабларнинг қанчалик қонунийлигини изохлаб беришингизни сўрайман. Умумий манфаатларимизни ҳимоя қилиш учун қандай исбот-далилларни келтиришим мумкин?

М.Петкова. Тошкент ш.

– Эр (хотин) – хотини (эри) доимий прописка қилинган уй-жой майдонида, башарти камида 1 йил биргаликда яшаётган бўлса, доимий прописка қилинади (14.09.2011 йилдаги УРҚ-296-сон Қонун билан тасдиқланган Рўйхатнинг 5-банди).

Мазкур банднинг 1-хатбошисида кўрсатилган фуқаролар Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ТИИБ хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (ХЧКваФРБ) қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:



- белгиланган шаклдаги ариза;
 - паспорт;
 - турар жой учун ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;
 - уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);
 - никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг ёки фарзанднинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхалари;
 - эр-хотиннинг ҳақиқатда бирга яшаётган жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) томонидан ва ИИО профилактика инспектори томонидан имзоланган эр-хотиннинг камида 1 йил биргаликда яшаётганлиги тўғрисида маълумотнома;
 - давлат божни тўланганлиги тўғрисидаги қвитанция (АВ томонидан 4.05.2012 йилда 2358-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 8-банди).
- Бироқ мазкур ҳолатда маҳалла кўмитаси вакиллари хатти-ҳаракатлари ҳуқуққа зид. Сабаби улар қонунга кўра фақат вилоятдан пойтахтга келган, эри билан никоҳдан ўтиб, унинг яшаш жойида камида

1 йил яшаган хотини доимий прописка қилиниши учун маълумотнома бериш ҳуқуқига эгалар.

Оила кодексининг 22-моддасига кўра эса, эр ва хотиннинг ҳар бири машғулоти тури, касб ва туриш ҳамда яшаш жойини танлашда эркилдир.

Фақат Ўзбекистон фуқаролари учун

Турмуш ўртоғим 30 ёшда, у фуқаролиги бўлмаган шахс. 1997 йилдан буён Ўзбекистон ҳудудида туради. У ҳарбий билет олиш ҳуқуқига эгами, бунинг учун қандай ҳужжатлар талаб этилади? ЎЗР ҳудудида бўлган даври мобайнида уни ҳарбий комиссариатга чақирмаганлар.

Сайфуллина. Тошкент ш.

– Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар (Конституциянинг 52-моддаси; «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун; Низом, ВМнинг 11.03.2003 йилдаги 128-сон қарорига 1-илова).

Ўзбекистон Республикаси фуқаросига:

- муддатли ҳарбий хизматга чақирилганда;
- ҳарбий ўқув юртига ўқишга кирганда;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари заҳирасига ўтказилганда;
- саломатлигига кўра ҳарбий ҳисобдан чиқарилганда ҳарбий гувоҳнома берилади (Низомнинг 3-банди, ВМнинг 15.02.2002 йилдаги 55-сон қарорига 6-илова).

Тегишинча, фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ҳарбий гувоҳнома олиш назарда тутилган.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра

5 йил аввал йўқолган қариндошимни кадастрдан қандай қилиб чиқариб ташлаш мумкин? У квартирага биргаликда эгалик қилади, бироқ унга прописка қилинмаган. Уни сотиб тийорган, уни топишнинг имкони йўқ. ТИИБда қидируе учун ариза бермаганмиз.

Л.Г.

– Шахс суднинг ҳал қилув қарорига кўра бедарак йўқолган деб топилганда, нотариал тасдиқланган ишончнома бўйича, ички ишлар органларининг сўрови бўйича, прокурорнинг маъмурий тартибда кўчириб юбориш тўғрисидаги санкцияси билан турар жой майдонида бўлган ҳуқуқдан маҳрум қилиниши мумкин (АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 48-банди).

Шу тариқа, қариндошингиз квартирада прописка қилинган ёки, сизнинг ҳолатдагидек, унга биргаликда эгалик қилган бўлса, 5 йил давомида бедарак йўқолганда даъво аризасига биноан фақат суд тартибида турар жойга бўлган ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин.

Сиз фуқарони бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишингиз мумкин (ФПКнинг 279-моддаси 3-банди). У ариза берувчининг яшаш жойидаги судга берилади.

Суд қонун ҳужжатларида белгиланган муддат ўтгандан кейин фуқарони бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги аризани кўришга киришади.

Аризада фуқарони бедарак йўқолган деб топиш аризачига қандай мақсадлар учун зарур эканлиги кўрсатилиши, шунингдек буни тасдиқловчи ҳолатлар баён этилиши лозим.

Судья ишни судда кўриш учун тайёрланаётганда қайси шахслар (қариндошлар, ҳамкасблар ва ҳ.к.) бедарак йўқолган шахс тўғрисида маълумотлар бериши мумкинлигини аниқлайди, шунингдек тегишли ташкилотлардан (ички ишлар органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) бедарак йўқолган шахсининг охириги маълум бўлган яшаш жойи ва иш жойи бўйича у ҳақда мавжуд маълумотларни сўрайди.

Санжар Хўжааҳмедов,
«Norma Online» эксперти.

Ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузилган, амал қилиш вақти тугаши пайтига келиб уни муайян муддатга узайтириш зарурати туғилди. Шартнома бир йилга тузилади ва, иккала тараф розилик билдирса, ҳар йили узайтирилади. Муддатли шартнома янги муддатга узайтирилишини қандай расмийлаштирайлик – қўшимча битим тузайликми ёхуд янги шартноманими?

Т.Т.

Муддати ўтган бўлса

– Меҳнат кодексида муддатли меҳнат шартномасини қайта тузиш ёки узайтириш назарда тутилмаган (105-модда).

Шу сабабли муддатли меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати тугагандан кейин тарафлар меҳнатга оид муносабатларни муайян муддатга узайтириш истагини билдирсалар, муддати тугаган муддатли меҳнат шартномасини бекор қилишлари ва худди шу ёки бошқа муддатга янги шартнома тузишлари керак.

Муддатли меҳнат шартномасини фақат МКнинг 152-моддаси 3-қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда узайтириш мумкин. Яъни меҳнат шартномаси унинг муддати тугаши муносабати билан бекор қилинганда кейинчалик меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш шарти билан, гарчи ҳақиқатда ишланган вақт ҳамда таътил вақтининг умумий йиғиндиси меҳнат шартномаси муддати чегарасидан чиқиб кетса ҳам, таътил берилиши мумкин. Бу ҳолда меҳнат шартномасининг амал қилиши таътил тугагунга қадар узайтирилади.

Абдусалом Рисқуллаев,
«Norma Online» етакчи эксперти.

Реклама

НОРМА

«СОЛИКЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел.: (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

Аввал қисқаришга тушди, кейин ҳомиладорлиги маълум бўлди

Ташкилот ўз участкаларидан бирининг штатини 2017 йил 15 августдан бошлаб қисқартиришга қарор қилган, ходимларни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ билан таништириб, қўлларига меҳнат дафтарчаларини берган. 2 ой олдин (2017 йил 15 июнда) ходимларни тилхат олиб ёзма равишда огоҳлантирганмиз.

Қисқартирилган ходималардан бири 2017 йил 21 августда (рўйхатдан ўтказиш журналига кўра) ҳомиладорлиги (5 ҳафталик) ҳақидаги 19 августда берилган маълумотномани бизга тақдим этди. Бундан ташқари, ушбу ходима 6–7 ҳафталик ҳомиладорлиги бўйича ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги 8 августда берилган маълумотномани 24 августда бизга факс орқали жўнатдилар. Оқибатда турли сана ва муддат қайд этилган 2 та маълумотнома (бири – асл нусха, бошқаси – факс орқали олинган) қўлимизда турибди. Шу йилнинг июнь ва июль ойларида тиббий кўрикдан ўтказилганда ходима гинекологдан ташқари ҳамма шифокорнинг ҳузурда бўлган. Огоҳлантириш пайтида (15 июнда) у ҳомиладор бўлмаган, қисқартириш пайтида (15 августда) эса ҳомиладор (ноаниқ муддат билан) бўлган бўлиб чиқаяпти. Бунда у ташкилотимиз раҳбариятга ҳам, кадрлар бўлимига ҳам ўз ҳолати ҳақида хабар бермаган.

Ишдан бўшатиладиган кейин ҳомиладорлиги ҳақида ҳар хил маълумотномаларни тақдим этган ходимани қисқартириш муносабати билан ишдан бўшатиш қонунийми?

А.Галкин.

– Ходимага огоҳлантириш тақдим этилган пайтда ҳам, огоҳлантириш муддати даврида ҳам, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқни ва меҳнат дафтарчасини қўлига олиш пайтида ҳам ходима ҳомиладорлиги ҳақида иш берувчини хабардор қилмаган. Шу сабабли иш берувчи штат (ишлар ҳажми) қисқариши туфайли ходима билан меҳнат шартномасини бекор қилиб, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузмаган.

Бироқ ходима бундай қарорнинг қонунийлигига қўшилмай, унинг устидан турли инстанцияларга шикоят қилиши хатари мавжуд. Иш берувчи ўзининг ҳақи эканлигини исботлашга тайёр бўлиши лозим.

Ишдан бўшатиладиган кейин ҳомиладорлиги тўғрисида маълумотномаларни тақдим этиши уларнинг аслиги хусусида шубҳа уйғотади.

Шу сабабли қуйидагича йўл тутишни тавсия этамиз:

➤ ходима тиббий кўрикдан ўтиш пайтида гинеколог кўригидан ўтишдан бош тортганлиги ва фақат ишдан бўшатиладиган кейин ҳомиладорлиги ҳақида маълумотномалар тақдим этганлиги ҳақида (маълумотномалар қачон ва қай тартибда тақдим этилганлигини кўрсатган ҳолда) далолатнома тузиш;

➤ ҳомиладорлик муддати ва маълумотномалар берилган аниқ саналарга ойдинлик киритган ҳолда маълумотномалар берилганлиги далилларини тасдиқлашни сўраб даволаш муассасаларига расман мурожаат қилиб, тақдим этилган маълумотномалар аслиги борасида исбот-далиллар тўплаш.

Сменали график бўйича

Корхонамизда қоровулларнинг суткалик (24 соат) сменали иш режими – соат 8.00 дан то кейинги куннинг соат 8.00 гача.

Табелда иш соатларини қандай қайд этиш керак, тунги соатларга ҳақ тўлаш тартиби қандай?

Газетхон.

– Корхонада иш вақти режими ички меҳнат тартиби қоидалари, бошқа локал норматив ҳужжатлар билан, бу ҳужжатлар бўлмаганда эса, – ходим билан иш берувчининг келишувига биноан белгиланади (МКнинг 120-моддаси). Бироқ кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати 12 соатдан ортиб кетмаслиги лозим (МКнинг 123-моддаси). Шу тариқа, корхонамизда белгиланган 24 соатлик режим қонун ҳужжатларига зид келади.

Қонун ҳужжатларида иш вақти ҳисоби юритиладиган ҳужжатларнинг тури ва мазмунига доир талаблар келтирилмаган. Одатда иш вақти ҳисобини юритиш табеллари (журналлари, карточкалари) шундай ҳужжатлар сифатида қўлланади. Уларни ҳар кунги ёки муайян вақт (ҳафта, ўн кун, ой ва ҳ.к.) давомида бир марта расмийлаштириш мумкин. Бу муайян ходимларга нисба-

тан қўлланадиган иш вақти режимига боғлиқ.

Табель корхонада белгиланган иш сменалари графигига биноан юритилади. Сменали иш режимидаги ходимларнинг иш графиги ой (ҳисобга олиш даври) бошланишидан олдин кундузги ва тунги сменаларнинг вақт интерваллари кўрсатилган ҳолда тасдиқланади.

Иш вақти ҳисобини юритиш табелида иш кунини (смена) давомида ҳақиқатда ишланган соатлар кўрсатилади, иш вақтига киритилмайдиган дам олиш ва овқатланиш учун танаффуслар бундан мустасно (МКнинг 127-моддаси 1-қисми).

Табелларни кундузги ва тунги сменалар учун алоҳида юритиш мумкин. Ёки табелдаги суткаларни кундузги ва тунги қисмларга бўлиш мумкин.

Тунги вақтдаги (соат 22.00 дан то соат 6.00 гача) ишнинг ҳар бир соати



учун ходимга камида бир ярим баравар миқдорда ҳақ тўланади (МКнинг 158-моддаси).

Иш вақтининг суммар ҳисобини юритганда қуйидаги асосий талабларга риоя этиш зарур:

- 1) иш кунини (смена) муддати 12 соатдан ортиб кетмаслиги лозим. Бинобарин, жорий иш кунини (смена) тугаши билан кейингисининг бошланиши ўртасида дам олиш вақти 12 соатдан кам бўлиши мумкин эмас;
- 2) ҳафта, ой ёки бошқа календарь даврда ишланган вақт давомийлиги ходим учун шу даврда белгиланган иш вақти меъёридан ошмаслиги лозим;
- 3) иш соатлари сонини кўрсатган ҳолда иш (сменалар) графигини албатта тузиш зарур, сабаби ҳисобга олиш даври мобайнида иш ва дам олиш кунлари сони, шунингдек кундалик иш давомийлиги ўзгаради.

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирovich
ҚҲҲОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва хабар қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр қўрилган – 188, Қўғоқ белими – А3, Ҳажми – 2 босма тафос, Басма кўчирмадан нарҳда.
Буқортия 1189, Адади 1 070. Газета 2017 йил 16 октябрь соат 19.00 да топишгилди.